

ракъат қилган бўлса, ўша икки сажда унинг намозини жуфтга айлантиради. Агар тўрт рақъатни тамом қилиш учун ўқиган бўлса, у икки сажда шайтоннинг бурнини ерга ишқалаган бўлади», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадисда уч рақъат ўқидими, тўрт рақъат ўқидими, билмай, шакка тушиб қолган одам нима қилиши кераклиги баён қилинмоқда:

1. Шакни ташлайди. Умуман ҳаёлидан чиқаради.
2. Уч ёки тўртни танлайди, бир тарафини маҳкам ушлайди.
3. Сўнгра ўша қаттиқ ишонганига биноан, намозини давом эттиради. Уч рақъатни ушлаган бўлса, яна бир рақъат ўқийди. Тўрт рақъатни ушлаган бўлса, ўша рақъатни давом эттириб, намозини тамомлайверади.
4. Кейин салом беришдан олдин икки саждаи саҳвни қилади.
5. Агар у аслида тўрт рақъат ўқиган бўлса-ю, уч рақъатни ушласа ва қўшимча бир рақъат билан намози беш рақъат бўлиб қолса, қилган икки саждаи саҳви намозини олти рақъат – жуфт рақъатга айлантиради.
6. Агар тўрт рақъатни ушласа-ю, аслида уч рақъат бўлиб, намози бир рақъатга етмай қолган бўлса, саждаи саҳви намозини тўлиқ қилади ва уни савобсиз қолдиришга уринган шайтоннинг бурнини ерга ишқалайди.

Ушбу ҳадиси шарифда саҳв саждаси қанчалар ҳикматга эга эканлиги баён қилинмоқда.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.